

## РЕАЛИЯ БИРЛИКЛАРДА КЎП МАЪНОЛИЛИК ҲОДИСАСИ

**Касимова Зиёда Мовлон қизи**

Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек тилидаги миллий маданий хусусиятларни билдирувчи бирликлар – реалияларда кўп маънолилик ҳодисаси ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Реалия, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, услуб.

Тилшуносликда сўзнинг кўп маънолилик хусусиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки кўп маъноли сўзлар турли усуллар воситасида маъно кўчиши орқали ўз маъносидан бошқа маънолар ифодалаган ҳолда тилнинг ифода имкониятларини бойишида муҳим аҳамиятга эга. Сўзнинг нутқдан ташқарида, яъни тилда ифодалаган маъноси ўз маъноси деб аталади. Масалан, кўз, этак сўзлари яққа ҳолда ишлатилганда унинг асл, яъни ўз маъноси англашилади.

Сўзнинг гап ичида, яъни нутқдаги ўз маъносидан бошқачароқ мазмун ифодалаши унинг кўчма маъноси деб юритилади. Масалан, ишнинг кўзи, тоғнинг этаги каби бирикмалар таркибида кўз ва этак сўзлари кўчма маънода қўлланган.

Ўзбек тилида полисемантик сўзлар маъно кўчишининг тўрт хил усули мавжуд: 1) метафора; 2) метонимия; 3) синекдоха; 4) вазифадошлик.

Ўзбек тилидаги реалияларда кўп маънолилик ҳодисаси ўрганиб чиқилганда, асосан, метафора, метонимия ва қисман синекдоха асосида маъно кўчиши кузатилади.

Реалияларда метафора. Нарса-предметлар ўзларига хос ҳаракат-ҳолат, хусусият кабилар жиҳатидан маълум умумийликка эга бўлиши, алоқадор бўлиши мумкин. Ана шундай ҳолатларда ҳам бир предметнинг номи билан бошқаси аталиши (ном кўчиши) мумкин. Масалан, бешик сўзининг қуйидаги мисолларда келтирилган маъноларига эътибор беринг: Бешикдаги Учқун уйдаги ҳаракатни сезиб, овозларни эшитиб, ҳадеганда ухлайбермади (Ҳ.Ғулом). Бахт бешигин қучоқлаб, бизни улғайтирдингиз (Ғ.Ғулом)<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: “Фан”, 1981. Б.19.

Боланинг туғилишидан сўнг ўсиб-улғайиши, тарбиясининг бошланғич (дастлабки) ўрни бешиқдир. Шунга кўра, бирор воқеа-ҳодисанинг юзага келган, тарбияланиб улғайган (ривожланган) бош ўрни бешиқ сўзи билан атала бошлаган, яъни шу асосда ном кўчиш имкони бўлган.

Реалияларда метонимия. Тил тараққиёти жараёнида асосий ҳолат, тараққиётни белгиловчи ҳодиса лексик маъно миқдорининг ўзгаришидир. Маъно ҳажмининг ўзгариши асосан маълум жинсдаги нарсалар турининг ортиши, лекин жинс тушунчасини атовчи сўзнинг айнан сақланишида кўринади. Масалан, нон сўзи хамадан тайёрланиб тандир ёки бошқа қизитилган жойда пишириладиган конкрет бир егуликни билдирган. Ҳозирда ноннинг тури жуда кўп, лекин умумий ном (нон) ўзгарган эмас. Демак, нон сўзининг лексик маъно ҳажми кенгайган. Агар бу сўз бошқа турдаги нарсаларни ҳам кўшиб, умумлаштириб атайдиган бўлса, унинг янги маъноси ҳосил бўлади: Мирзакаримбой ўйлаб қолди: мен нон бермасам, улар нима қилар зди? (Ойбек)<sup>1</sup>. Бу мисолда нон сўзи умуман егулик-ичгулик, тирикчиликда истеъмол нарсалари маъносини англашиб келган.

Метонимия асосида ном кўчишда предметлар, белгилар ва ҳаракатлар ўртасидаги алоқадорлик асос бўлиши керак. Бундай алоқадорлик эса турлича бўлади. Жумладан, предмет билдирувчи сўз (от)ларда метонимия асосида ном кўчиши, асосан, нарс-предметлар ўртасидаги қуйидаги боғланиш (умумийлик)ларга кўра юз беради: нарс-предметлар умумий материали бир хил бўлади. Шу асосда бир предметнинг номи худди шу умумий нарсдан ясалган бошқа предметни аташ учун ҳам қўлланади, унинг ҳам номига айланади. Чилла сўзининг қуйидаги уч гапда ифодаладиган маънолари ҳам ўзаро шундай муносабатда: ...ёз чилласи, Менинг шаҳримнинг ўткир қуёш яллуғи нақ ёндирипти (Ҳ.Назир). Чақалоққа чилласида касал тегди-ю, аъзойи бадани яра бўлиб кетди (“Эртақ”дан). Амру маъруф, чиллалар, шубҳасиз бу ҳийлалар. Барчасидан мақсадим, тангачервон, тиллалар (Ҳамза)<sup>2</sup>.

Ҳаракат-ҳодисанинг номи шу ҳаракат-ҳодиса бажариладиган вақтга кўчирилади, яъни ҳаракат-ҳодиса бажариладиган вақт шу ҳаракат-ҳодисанинг номи билан аталади: Мачитдан шом азони эшитилди... (Ш.Тошматов). Шу бўйи туни билан йиғлаб чикибди, сўнг ...азонга яқин бир илож қилиб қочибди (П.Турсун)<sup>3</sup>.

Реалияларда синекдоха. Бу ҳодиса бир нарсанинг номи билан унинг бирор қисми (бўлаги)ни аташ ёки, аксинча, қисмнинг номи билан шу қисм мансуб

<sup>1</sup>Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981. – Б.34.

<sup>2</sup>Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981. Б.78.

<sup>3</sup>Кўрсатилган манба. Б.25.

бўлган бутунни аташдир. Масалан, олма, анор, бодом каби мевалар (қисм) номи билан шу меваларни қилувчи дарахтларни аташ, қўл сўзи билан шу аъзодаги бир қисм (бармоқ)ни аташ синекдоха асосидадир. Самовар сўзининг қуйидаги гаплардаги маъноларига эътибор беринг: Рух самовар. Эгамберди, сен дарров ўт сол! (А.Қодирий). Мирзо кечқурун самоварга чиқди, иккита чой ичди (А.Қаххор)<sup>1</sup>.

Ҳаракат, ўйин объекти номи шу ҳаракат, ўйиннинг ўзига кўчади. Масалан, кўпқарида ўртага эчки (улоқ) сўйиб ташланган. Ўйин, мусобақанинг объекти – улоқ. Шу алоқадорлик асосида ўйин-мусобақанинг ўзи ҳам улоқ деб атала бошлаган – объектнинг номи ўйин-мусобақага кўчган. Улоқ сўзининг қуйидаги гапларда ифодаладиган маъноларига эътибор беринг: Ҳозир юзлаб майин жунли кўзи ва улоққа эгамиз (С.Анорбоев). Улоқ олиш учун чавандоз бўлиш керак, укам Обиджон (Ойбек). Ҳар йили даромад тўйида пешонасини танғиб улоқ чопадиган Болтабой учун қийин кунлар бошланди (С.Аҳмад)<sup>2</sup>.

“Услуб” тушунчаси тор маънода талқин қилинганда асарда тасвирланган персонажлар нутқининг ўзига хослиги тушунилади. Ҳар бир сўзнинг ўз услуби борки, албатта имло луғатидан сўзларга қараб, уларнинг услуб хусусиятларини аниқлайман дейиш беҳуда уриниш бўлар эди. Сўзларнинг услуб хусусиятлари бадий матн ичида, сўзларнинг бирикишида очилади<sup>3</sup>. Масалан, ўлмоқ сўзи дунёдан ўтмоқ, оёқ чўзмоқ, кўз юмди, абадий уйқуга кетди, жони узилди, куни битди, бандаликини бажо келтирди, асфаласофилинга жўнади каби бирикмаларнинг ҳар бирида ўзига хос стилистик маънога эга. Бу стилистик вариантларнинг ҳар бирини ўз ўрнида ишлатишнинг катта амалий аҳамияти бор, агар улар ноўрин қўлланса, қўпол хато келиб чиқиши мумкин. Масалан, дунёдан ўтди ўрнига жони чиқди деб бўлмайди.

Бадий асарни таржима қилиш учун тилнинг луғат бойлиги, чунончи синоним ва омонимлар, касб-ҳунар терминлари, диалектал, эскирган ва вульгар сўзлар, эркалаш ва кичрайтириш, қочирик, матал ва идиомаларни ҳамда сўзларнинг мусиқийлиги-ю, оҳангдорлигини, кўп маънолилигини, тилнинг талаффуз нормаларини, муболаға ва кичрайтириш хусусиятлари, ҳазил-мутойиба формаларини билиш зарур.

<sup>1</sup>Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981. – Б.49.

<sup>2</sup>Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981. – Б.55.

<sup>3</sup>Жўраев К. Таржима санъати. – Т., 1982. – Б.45.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Абдурахмонова Д. Реалия термини хусусида // Тил ва адабиёт таълими. №8. 2016. Б. 36-38.
2. Жўраев К. Таржима санъати. – Т., 1982.
3. Қаҳҳор А. Ўтмишдан эртаклар. – Т., 1976.
4. Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Т., 2007.